

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 16-декабрдаги
“Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция
ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-440-сонли қарори ижроси бўйича **жорий йилнинг январ-ноябр ойларида**
амалга оширилган ишлар юзасидан Фарғона тумани ҳокими **Х.Т.Иномовнинг****

Ҳ И С О Б О Т И

*Ассалому алайкум ҳурматли депутатлар,
Сессия иштирокчилари!*

Давлатимиз раҳбарининг 2024-йил 16-декабрдаги “Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-440-сонли қарорига Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ишга солинмаган имкониятлардан тулиқ ва самарали фойдаланиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг муносиб турмуш даражаси ва бандлигини таъминлаш бўйича янги имкониятлар эшигини очиб берди.

1. Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича:

1.1. Жорий йилнинг 1-декабр ҳолатига туманда ишсизлик даражаси 5,0 фоизни ва камбағаллик даражаси 5,1 фоизга пасайган бўлса, йил якуни билан мазкур кўрсаткичларни мос равишда ўртача 4,2 фоизгача (минимум даражага) тушириш белгиланган. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизлик даражасини камайтириш бўйича **январ-ноябр ойларида 26 039 нафар** аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш белгиланган бўлиб, амалда бу кўрсаткич **27 126 нафарни** ташкил этди ва **режа ижроси 104,0 фоизга** бажарилди. Хусусан, **инвестиция** лойиҳалари ҳисобига **4688 нафар (101,0 фоиз)**, аҳолини **доимий** ишга жойлаштириш ва **тадбиркорликка** жалб этиш ҳисобига **13639 нафар (107,0 фоиз)**, **қишлоқ хўжалигида 7636 нафар (102,0 фоиз)**, **қурилиш йўналишида 1163 нафар (97,0 фоиз)** аҳоли доимий ва мавсумий ишларда банд қилинди.

1.2. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПФ-143-сонли Фармони ҳамда ва шу кундаги ПҚ-330-сонли қарорлари асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига асосан **жорий йилнинг 11-ойи давомида 1 652 та** оилаларни (**7564 нафар аҳоли**) камбағалликдан чиқариш бўйича **5 534 та хизматлар** кўрсатилди. Бунда, **2 679 нафари доимий ишга** жойлаштирилди, **774 нафарига имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилди, 1 477 нафари тадбиркорликка жалб қилинган ва 604 нафари касб-ҳунарга ўқитилган**. Бунинг натижаси **1860 та (аъзолари 8,3 минг нафар) оила** камбағалликдан чиқарилиб, камбағал оилалар сони **2979 тани (аъзолари 12,3 минг нафар)**, камбағаллик даражаси **6,0 фоизни** ташкил этди. Жорий йил якунига қадар камбағаллик даражасини **4,4 фоизгача** камайтирилади. (Туманда 2025 йил бошида камбағаллик даражаси **8,7 фоизни**, камбағал оилалар сони **4,2 мингтани** ва оила аъзолар **19,7 минг нафарни** ташкил этган).

1.3. Фарғона туманида ҳам жорий йилда бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб олинди. Жумладан, 2025-йил **январ-ноябр** ойларида **макроиқтисодий** кўрсаткичлар, хусусан **саноат** маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми **1649,2 млрд.сўмга ёки 109,6 фоизга**, **хизматлар** ҳажми **1328,6 млрд.сўмга ёки 114,1 фоизга**, **чакана савдо** ҳажми **799,6 млрд.сўмга ёки 109,0 фоизга**, **қурилиш ишлари** ҳажми **452,7 млрд.сўмга ёки 122,0 фоизга** бажаришга эришилди.

1.4. Туманда **4 та тажрибалар** доирасида, хусусан:

“Сайхунобод” тажрибаси бўйича **71 та** маҳаллада **январ-ноябр** ойларида жами **2722 та** микролойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда жорий йилнинг **11 ойи** давомида **2 855 та** микролойиҳани ишга туширилиб, **5 797 та** янги иш ўринлари яратилди.

-Уйчи тажрибаси асосида жорий йилнинг **11 ойи** давомида **43 та** учрашувлар ўтказилиши натижасида **225 нафар** аҳоли бандлиги таъминланди.

-“Зарбдор” тажрибаси бўйича - қиймати **111,6 млрд. сўмлик** (*ташаббускор маблағлари 96,4 млрд.сўм, банк кредити 2,5 млрд.сўм, ҳорижий инвестиция 1,0 млн. доллар, 2,8 млрд.сўм бюджет маблағлари*) **5 та** (*саноат-1 та, хизмат кўр.-3 та, қишлоқ хўж.-1 та*) лойиҳаларни амалга ошириш ва **465 та** иш ўрни яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Шу билан бирга Тасдиқланган манзилли рўйхатга кўра Республика бюджетидан ажратилган **2,8 млрд сўм** миқдорида маблағлар сарфланади.

Жорий йилнинг **январ-октябр ойлари** давомида ушбу лойиҳаларнинг **2 тасида**, хусусан :

-“Дўстлик” МФЙ ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захирасидаги **200 гектар** бўш ер майдони сувсизлик сабабли фойдаланилмасдан қаровсиз турибди. Ушбу ер майдонлари ўзлаштириш учун ҳудудда **6 та** қудуқ қазиш режалаштирилиб, бугунги кунда **“Фарғона Умумтадбир Қурлоийха” МЧЖ** томонидан лойиҳалаш ишлари якунига етказилган. Ҳудудда синов тариқасида **1 дона** қудуқ қазиш ишлари якунига етказилди. Ҳозирги кунда тик қудуқ қазиш ишларини амалга ошириш учун пудратчини аниқлаш ишлари якунига етказилди. бўйича **“Шаффоф”** платформасига киритилди. Пудратчиликни амалга ошириш **“Шаффоф”** платформаси орқали **“Оби ҳаёт қурилиш инженеринг” МЧЖ** корхонаси томонидан ютилди. Бугунги кунда **“Оби ҳаёт қурилиш инженеринг” МЧЖ** корхонаси томонида тик қудуқ қазиш ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда **“Оби ҳаёт қурилиш инженеринг” МЧЖ** корхонасига **1 836,9 млн.сўм** пул маблағлари молиялаштирилди.

-“Чимён” МФЙ ҳудудида жойлашган кўп йиллардан буён фойдаланилмаётган собиқ **“Чимён МТП”** (машинасозлик ва трактор парки) майдони озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга ихтисослашган бозор ҳамда **1000 тонна** сиғимга эга музлаткичли омборхона ташкил этиш режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу лойиҳада қурилиш таъмирлаш ишларини якунига етказиш арафасида турибди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун барқарор электр таъминоти билан таъминлаш ишлари якунланди. **“Valley agrotechnics” МЧЖ** томонидан **1000 тонна** сиғимга эга музлаткичли омборхона қуриб битказилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга ихтисослашган бозорда пардозлаш ишлари якунланди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун **“Fergana avtomat raschot” МСНЖ** га **800,4 млн.сўм** пул маблағлари молиялаштирилди.

Ғиждўвон тажрибаси асосида туманда жорий йилда **9 та** маҳаллада лойиҳалар амалга оширилиши белгиланиб, мазкур маҳаллаларда **205 та** иш ўринлар яратувчи **9 та** лойиҳа шакллантирилган. Жорий йилнинг **10 ойи** давомида қиймати **10,9 млрд.сўмлик** (*шундан кредит маблағлари ҳисобидан 3,9 млрд.сўм, лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳисобидан 7,0 млрд.сўм*) жами **8 та** лойиҳалар ишга туширилиб, **195 та** янги иш ўрни яратилди.

1.5. Бундан ташқари **Тадбиркорлик** дастурлари доирасида жорий йилнинг **январ-сентябр** ойларида жами **3 290 та** талабгорларга **134,5 млрд. сўм** кредит маблағлари ажратилди. **Жумладан:**

-“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” дастури бўйича **251 та** талабгорларга **29,1 млрд. сўм;**

-“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури” доирасида **753 та** талабгорларга **10,7 млрд.сўм;**

-“Бизнесга биринчи қадам” кредит доирасида **1016 та** талабгорларга **24,5 млрд.сўм;**

-“Маҳалла лойиҳа” дастури доирасида **1270 та** талабгорларга **70,2 млрд.** кредит маблағлари ажратилди.

I.6. Шунингдек **1485 нафар** фуқаролар (шундан **943 нафари** аёллар, **397 нафари** ёшлар) меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб хунарга ўқитиш ишлари амалга оширилмоқда, шундан **1035 нафар** фуқаролар касб-хунарга ўқитиш жараёнлари якунланди ҳамда **885 нафар** фуқароларнинг бандлигини таъминлашга эришилди.

II. Инвестиция ва экспорт бўйича:

2025-йилда умумий қиймати **207,3 млн.** доллар бўлган **15 та** лойиҳалар доирасида **127,0 млн.** доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредитлар ўзлаштирилиши белгиланган. Шундан, **3-чорак** якунига **88,6 млн.** доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, амалда **89,5 млн.** доллар инвестициялар ўзлаштирилиб режа кўрсаткичи **100,9 фоизга** бажарилди.

Шунингдек, жорий йилда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида қиймати **51,5 млн.** доллар бўлган **33 та** лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига **4 536 та** иш ўринларини яратиш белгиланган бўлиб, **19.12.2025** ҳолатига қиймати **54 млн.** доллар бўлган **54 та** лойиҳаларни ишга туширилди ва **5990 та** янги иш ўринларини яратилди.

Мисол учун: Фарғона туманида Таиланд билан “Bahodir log'on teksil” МЧЖ ҚҚ томонидан қиймати **20,0 млн. долл.** бўлган туризм комплексини ташкил этиш лойиҳаси доирасида **12,0 млн. доллар**, “Bahodir log'on tekstil” МЧЖ ҚҚ томонидан Ун ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида **10,0 млн доллар** “Sanoat Energetika Guruhi” МЧЖ ҚҚ томонидан **23,6 млн доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг январ-декабр ойлари учун **43,2 млн.** доллар прогноз кўрсаткичлари белгиланиб, ўтган **12 ойда** амалда жами **20,2 млн.** доллар экспорт амалга оширилди. Шундан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти **14,4 млн.** доллар, саноат маҳсулоти **5,7 млн.** долларни ташкил этди.

Мисол учун: “Royal thay Branch” МЧЖ томонидан **1,3 млн.** долларлик ип калава маҳсулотлари, “Baht Textile Andijon” МЧЖ томонидан **3,4 млн.** долларлик тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда “Yusufbek Building” МЧЖ томонидан **2,5 млн.** долларлик “Fermi 777” МЧЖ **4,6 млн.** долларлик томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

III. Қурилиш йўналиши бўйича:

III.1. Тумандаги 7 та оғир МФЙларда коммуникация тизимини яхшилаш бўйича:

Давлатимиз Раҳбарининг ПҚ-330-сонли қарори билан **7 та** оғир маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш, электр энергияси барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини ошириш, ички йўللарни таъмирлаш мақсадлари учун жами **21,0 млрд.сўм** маблағ ажратилмоқда. Жумладан,

- Томорқа ерларини суғориш тазими яхшилаш бўйича **7 та** маҳаллаларда—**10 та** қудуқ қазиш учун **4.850 млрд.сўм** маблағлар ажратилди.

Ҳозирда ушбу оғир тоифадаги маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш бўйича **4.078 млрд.сўм** маблағ ҳисобига **7 та** маҳаллага **10 та** суғориш

кудуғи курилиб, курилиш монтаж ишлари якунига етказилди.

- **Электр таъминоти буйича** - 7 та объектда **5,233 млрд.сўм** маблағ сарфланиши ҳисоб-китоб қилинган. Жумладан, **11 та** трансформатор ўрнатиш (**1,320 млрд.сўм**), **18,5 км** электр тармоғи тортиш (**2,960 млрд.сўм**) ҳамда **686 та** таянчларни алмаштириш (**953 млн.сўм**) орқали **7170 та** хонадонни электр таъминоти яхшиланмоқда.

Х
о

- **Ички йўллар буйича** – Фарғона туманида **16.665 метр** йўллар асфальтлаштирилди.

р Фарғона тумани ҳудудидаги ички кўчаларини **11070 метр** қисмида шағаллаштириш ишлари олиб борилиб қолган ишлар давом этмоқда.

а - **Интернет буйича** - **7170 та** хонадонни оптик толали интернет тармоғи тортиш буйича тегишли чоралар олиб борилмоқда.

у - Ушбу 7 та оғир тоифадаги маҳаллаларга оптик толали интернет тармоғи тортиш буйича 30 та 1/4, 95 та 1/8 сплиттер қурилмаси ўрнатилди, **32 км** 8 толали, **13,7 км** 62 толали, **0,7 км** 16 толали, **11,9 км** 24 толали ҳамда **7,5 км** 48 толали магистрал кабеллар тортилди.

III.2. Аҳоли пунктлари кўчалари ҳолатини яхшилаш буйича:

д Фарғона туманида жами бўлиб **71 та** маҳалла фуқаролар йиғинлари, **437 та** кўчалар, **1207,0 км** ички йўллар мавжуд. Шундан **740,9 км** ички йўллар асфальтлаштирилган, **348 км** ички йўллар шағаллаштирилган, **41,3 км** ички йўллар тупроқ йўл ҳисобланади.

у 2025-йилнинг январь-ноябрь ойлари мобайнида **16,6 км** ички йўллар асфальтлаштирилди, **11 км** қисми тупроқ қопламадан шағал қопламага ўтказилди.

III.3. Ичимлик суви буйича

а Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида **749 та** аҳоли хонадонлари ичимлик суви тармоғига (**98,3%**) уланди, **8,1 км** ичимлик суви тармоғини таъмирланди, **12 та** сув миноралари таъмирланиб, аҳоли хонадонлари истеъмолчилар сони **28 749 тани** (**82,6%**) ташкил этмоқда.

III.4. Электр тармоқлари буйича

с Жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида **70 дон**а трансформатор пункти, **427,0 км** электр узатиш тармоқлари мукамал ва **207 дон**а трансформатор пункти ҳамда **382,0 км** электр узатиш тармоқлари жорий таъмирланди.

III.5. Газлаштириш буйича:

км Жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида **6,5 км** газ кувирлари **8 дон**а трансформатор пункти ва **686 дон**а темир-бетон таянчлар ўрнатилиб қурилиш таъмирланди **8 дон**а ГРП лар янгидан қурилди ва **6 дон**а ГРП лар таъмирланди монтаж ишлари 100% га бажарилиб якунига етказилди. ҳамда **1,2 км** янги тармоқлар тортилди, шу билан бирга 2025-йил 15-сентябрь ҳолатига кўра суюлтирилган газдан фойдаланувчи жами истеъмолчилар сони **22 173 та** аҳоли хонадонлари бўлиб, улардан **9 956 17 606 та** шахсий **17 606 та** шартнома асосида вақтинча фойдаланишдаги балонлардир.

11 ойлик (январь-ноябрь) умумий таъминот режаси **3277,0 тонна** бўлиб, амалда **3266,1 тонна** (99,6%) таъминланган. Йиллик газ фонди **3650,0 тонна**.

III.6. Кўп квартирали уй-жойлар қурилиши буйича :

Ж

о
р
и
й

Фарғона туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 25-июндаги “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-234-сон қарори ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг 2024-йил 2-август кунги 412-11-0-Қ/24-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, туманнинг Янги аср маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида маҳалла ободлиги билан шуғулланувчи “Маҳалла сервис компаниялари”га ер майдони ажратиб берилган бўлиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

IV. Ижтимоий соҳа ва хотин қизлар йўналиши бўйича:

IV.1. Ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигини таъминлаш орқали уларни ижтимоийлаштириш бўйича январ-октябр ойларида **422** нафар ногирон шахсларни бандлигини таъминлаш орқали ижтимоийлаштиришга эришилди.

IV.2. Тиббиёт муассасаларини зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича жорий йилнинг 8 ойи давомида **6 659 млрд.** сўмлик тиббий асбоб-анжомлар (2 дона Рақамли ренген аппарат, физиотерапия аппаратлари тугрукхона булимлари учун **9 турдаги** жaxon стандартига жавоб берадигон тиббий жиҳозлар) билан таъминланди.

IV.3. 2025-йилнинг январ- октябр ойларида туманда мактабгача таълим ёшидаги тарбияланувчилар қамровини **87,1 фоизга** бажарилиб, **17 368 нафар** 3-7 ёшли болалар қамраб олинди.

IV.3. “Сайхунобод тажрибаси” асосида жорий йилнинг 10-ой давомида “Аёллар дафтари”даги касб-хунарга ўқиш истагини билдирган **9 281 нафар** хотин-қизларни бандлигини таъминланди, жумладан:

-**689 нафарини** хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида;

-**926 нафарини** касб-хунарга ўқитиш марказларида;

-**68 нафарини** “Хунарманд уюшмаси” томонидан касб-хунарга ўқитиш;

-**230 нафарини** Лидер тадбиркорлар томонидан ўқитиладиган қисқа ўқув курсларида ўқитилиниши таъминланиб, ўз йўналиши бўйича бандлиги таъминланиб даромад топишга кўмаклашилди.

Шу билан бирга ижтимоий ёрдамга мухтож I-II гуруҳ ногирони бўлган хотин-қизлар **335 нафарига** бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳурматли сессия қатнашчилари!!

Мен ўз ҳисоботимни тугатар эканман Давлатимиз раҳбарининг берган вазифа ва топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида ўзим раҳбарлигимда тумандаги барча масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини оширган ҳолда тўлиқ ижросини таъминлаймиз.

Бу ишларда барчангизга куч-қувват тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Туман ҳокими

Х.Иномов